БУРУН ПАСТКИ ЧИҒАНОҒИ ГИПЕРТРОФИЯСИДА ШИЛЛИҚ ҚАВАТНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ

Мамажанов Бохадиржон Солижанович
АДТИ Травматология, ортопедия, нейрохирургия кафедра профессори, DSc
Хакимов Аъзамжон Исакович
Фаргона шахар «Ишонч тиббий сервис» хусусий клиника шифокори
https://doi.org/10.5281/zenodo.24144505

Калит сўзлар: бурун пастки чиғаноғи, шиллиқ қават, морфологик қайта қурилиш.

Долзарблиги. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофияси бурун бўшлиғининг анатомик ва функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи патологик жараёнлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиши, ҳаво оқимининг бузилиши ва бурун бўшлиғининг физиологик функциялари ўзгариши билан кечади. Гипертрофиянинг ривожланишида аллергик ва ноаллергик яллиғланиш, инфекцион омиллар, ташқи муҳит таъсирлари ҳамда бурун бўшлиғининг анатомик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Патологик жараён фақат тўқима ҳажмининг ортиши билан чекланмай, шиллиқ қаватнинг эпителиал, стромал, безли ва қон томир компонентларидаги морфологик ўзгаришлар билан ҳам намоён бўлади.

Тадқиқот мақсади. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясида шиллиқ қаватнинг морфологик ва морфофункционал ўзгаришларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг патологик жараён ривожланишидаги аҳамиятини асослаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот мавзусига оид илмий адабиётларда келтирилган гистологик, морфологик ва клиник маълумотлар таҳлил қилинди. Бунда шиллиқ қават эпителийси, базал мембрана, хусусий пластинка, безлар аппарати, бириктирувчи тўқима ва микроциркулятор ўзаннинг тузилмавий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Натижалар ва муҳокама. Адабиётлар таҳлили натижаларига кўра, бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясида шиллиқ қаватнинг эпителиал қопламида дистрофик ўзгаришлар, метаплазия, ҳужайралараро шиш ва ўчоқли десквамация кузатилиши мумкин. Айрим ҳолларда эпителийнинг базал мембранаси қалинлашиши ва гиалинозга учраши, хусусий пластинкада эса интерстициал шиш, склероз ва лимфоцитар инфильтрация ривожланиши қайд этилган. Шиллиқ безлар аппаратида гипертрофия, ацинусларнинг кенгайиши ва чиқарув найларида секретнинг ортиқча тўпланиши кузатилиши мумкин. Бу ўзгаришлар шиллиқ қаватнинг секретор фаолияти ва тўқимавий ҳажмига таъсир кўрсатади. Шунингдек, чуқур тўқима қатламларида жойлашган каверноз веноз тузилмаларнинг қон билан тўлиши, веноз синусоидларнинг кенгайиши ва айрим қон томирлар деворида мушак қаватининг гипертрофияси чиғаноқ ҳажмининг ортишида муҳим морфологик омиллардан ҳисобланади. Гипертрофиянинг аллергик ва ноаллергик шаклларида яллиғланиш инфильтратининг таркиби ҳам фарқланиши мумкин. Аллергик жараёнларда эозинофиллар ва маст ҳужайралар, компенсатор гипертрофияда эса лимфоцитар инфильтрация устунлиги кузатилиши қайд этилган. Бу ҳолат шиллиқ қаватдаги морфологик ўзгаришлар патологик жараённинг этиологик хусусиятларига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Хулоса. Бурун пастки чиғаноғи гипертрофиясида шиллиқ қаватнинг эпителиал, стромал, безли ва васкуляр компонентларида ўзаро боғлиқ морфологик ўзгаришлар ривожланади. Ушбу компонентларни гистологик ва морфометрик усуллар ёрдамида комплекс баҳолаш гипертрофиянинг патоморфологик хусусиятларини аниқлаш, тўқимавий қайта қурилиш даражасини баҳолаш ва жарроҳлик даволаш тактикасини асослашда муҳим аҳамиятга эга.

© 2026 International Conference on Artificial Intelligence and Applications . All Rights Reserved.